DOI: https://doi.org/10.37547/supsci-ojp-05-03-96 Pages: 819-826

Oriental Journal of Philology

ORIENTAL JOURNAL OF PHILOLOGY

journal homepage:
http://www.supportscience.uz/index.php/ojp/about

ARABIC PLURAL NOUNS IN "BOBURNOMA" AS A LINGUOPOETIC TOOL

Shorustam G.Shomusarov
Professor, Doctor of Philology
Department of Arabic Studies
Tashkent State University of Oriental Studies
Uzbekistan, Tashkent

Munira B.Karimova
1st year master̀ s student
Tashkent State University of Oriental Studies
Email: munirakarimova611@gmail.com
Uzbekistan, Tashkent

ABOUT ARTICLE

Key words: plural nouns, linguopoetics, borrowed words, linguistic changes, synonymy, expressiveness, text stylistics.

Received: 06.03.25
Accepted: 08.03.25
Published: 10.03.25

Abstract: In this article, Arabic words belonging to the plural noun category in Zahiriddin Muhammad Babur's work "Boburnama" were analyzed as a linguopoetic tool. The exact places where the author used such words in the work were studied. The importance of words borrowed from Arabic to Turkic and the linguistic changes that occurred in them were also studied. Arabic words that have been used in the same form since the time of writing "Boburnama" to the present day were discussed.

“БОБУРНОМА”ДАГИ АРАБИЙ ЖАМЪ ИСМЛАР ЛИНГВОПОЭТИК ВОСИТА СИФАТИДА

Шорустам Г. Шомусаров
Профессор, филология фанлари доктори
Арабшунослик олий мактаби
Тошкент давлат шарқшунослик университети
Ўзбекистон, Тошкент

Мунира Б. Каримова
1-курс магистранти
Арабшунослик олий мактаби
Тошкент давлат шарқшунослик университети

Eamail: munirakarimova611@gmail.com
Ўзбекистон, Тошкент

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: жамъ исмлар, лингвопоэтика, ўзлашган сўзлар, лисоний ўзгаришлар, синонимия, экспрессивлик, матн стилистикаси.

Аннотация: Ушбу мақолада Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома” асаридаги арабий жамъ исмлар лингвопоетик восита сифатида таҳлил қилинди. Асарда муаллифнинг бундай сўзларни қўллаган ўринлари ўрганилди. Араб тилидан туркий тилга ўзлашган сўзларнинг аҳамияти, уларда содир бўлган тил ўзгаришлари ҳам тадқиқ этилди. “Бобурнома”нинг ёзилган даврдан то ҳозирги кунгача айни шаклда бўлган арабча сўзлар ҳақида сўз юритилди.

АРАБСКИЕ СУЩЕСТВИТЕЛЬНЫЕ ВО МНОЖЕСТВЕННОМ ЧИСЛЕ В “БАБУРНОМЕ” КАК ЛИНГВОПОЭТИЧЕСКИЙ ИНСТРУМЕНТ

Шорустам Г. Шомусаров
Профессор, доктор филологических наук
Высшая школа арабистики
Ташкентский государственный университет востоковедения
Узбекистан, Ташкент

Мунира Б. Каримова
Магистрант 1 курса
Высшая школа арабистики
Ташкентский государственный университет востоковедения
Email: munirakarimova611@gmail.com
Узбекистан, Ташкент

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: существительные во множественном числе, лингвопоэтика, заимствованные слова, языковые изменения, синонимия, экспрессивность, стилистика текста.

Аннотация: В данной статье арабские существительные во множественном числе в произведении Захириддина Мухаммада Бабура «Бобурнома» анализируются как лингвопоэтический инструмент. В работе исследованы места, где автор использовал такие слова. Также изучалось значение слов, заимствованных из арабского языка в тюркский язык, а также происходившие в них языковые изменения. Обсуждались арабские слова в одной и той же форме от периода написания «Бобурномы» до наших дней.

Кириш. Дунёдаги жамики тиллар жонли органзимлардир. Улар туғилишади, яшашади ва куни келиб маҳв бўлишади. Яшаш асносида эса ўз-ўзидан қатор ривожланиш босқичларини бошдан кечирадилар, ўзгаришларга учрайдилар. Тарихан тиллар бир-бирлари билан доимий алоқада бўлиб келади. Бу борада ижтимоий-сиёсий, маданий-адабий ҳамда иқтисодий алоқалар муҳим аҳамият касб этади. Бир тил иккинчисидан янги сўзни олар экан, ўз ўрнида у ҳам бошқа тилга сўзларидан беради.

Мовароуннаҳрда араб тилининг кенг тарқалиши ислом динининг улкан ҳудудда ёйилиши билан узвий боғлиқдир. Милодий VIII асрдан эътиборан расмий ва илмий-адабий тил сифатида араб тили тан олина бошлаши ҳамда барча турдаги асарлар шу тилда ёзилиши унинг ўлкамизда оммалашув жараёнини тезлаштиради. Фасийҳ ва балиғ араб тилининг грамматик-стилистик ифода имкониятларининг кенглиги унга бадиий ижод аҳли орасида ҳам юксак мартаба эгаллаш имконини берди. Шу эътибордан адабий, тарихий ва илмий асарларга диққат қилинса, турли услубда ёзилган айни матнлар таркибида араб тилидан ўзлашган сўзлар кенг ўрин олгани яққол кузатилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Шунга кўра Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг "Бобурнома" асари жуда кўп лингвопоэтик тушунчалар муҳокамаси учун объект бўлиши мумкин. Асарда муаллиф араб тилидан туркий тилга ўзлашган сўзлардан кенг истефода қилади. Хусусан, адиб араб тилига мансуб жамъ ҳолатидаги исм туркумига кирувчи сўзлардан унумли фойдаланади. Бу ҳодисани лингвопоэтик восита сифатида тадқиқ этиш "Бобурнома" матни ҳамда муаллиф маҳоратининг муҳим бир қиррасини намоён этиши табиий.

Натижалар. Тилнинг ифода воситаларини, нутқни юзага келтирувчи сўз, сўз шакллари, сўз бирикмалари ва гап турлари матнни шакллантиришда асосий мезон саналади (Lapasov, 1995, p.9). Адабий матндан ташқарида маълум бир маъно касб этувчи сўз матн таркибига кирар экан, турли маъноларда қўлланилиши мумкин. Бунда муаллифнинг билими, сўз танлови, ҳиссиёти алоҳида аҳамият касб этади. Айнан шундай вазиятларда ҳар бир ижодкорнинг индивидуал ёзиш услуби юзага чиқади. Зотан қайсидир адиб муайян бир сўзни қўллаганда назарда тутган маънони бошқа бир ёзувчи ўзгача вазиятда, бошқа бир тасвир ифодаси учун қўллаши мумкин. Сўзнинг матн ичида товланиш табиати шундай ранг-барангдир.

Бундай сўзлар асрлар оша "Бобурнома" матни таркибида яшаб келади. Мирзо Бобур жаноза маросимидан кейин элга таом тарқатилгани хусусида бундай ёзади:

"Ахсидин мирзонинг онаси Султонбегим ва Жаҳонгир мирзо ва аҳли ҳарам ва беклар Андижонға келдилар. Азо расмини бажо келтуриб, ош ва таом фуқаро ва масокинға тортилди" (Bobur, 2015, p.33).

Бу ўринда муаллиф “фуқаро” ва “масокин” сўзларини ўзаро синоним сифатида қўллайди. Ҳар икки сўз араб тилидан ўзбек тилига ўзлашган сўзлар бўлиб, бугунги кунда “фуқаро” истеъмолимизда мавжуд. “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да унга шундай таъриф берилади:

“Бирор мамлакатнинг доимий (муайян юридик ҳуқуқларга эга бўлган) аҳолиси, гражданлар”.

Аслида “фуқаро” сўзи араб тилидаги “фақийрун” – “فقـير” сўзининг синиқ кўпликдаги ҳолати бўлиб, “муҳтож, қашшоқ” маъноларини англатади. Демак, “Бобурнома” ёзилган замон нуқтайи назаридан қаралганида бу сўз дастлаб туркий тилга ўзлашганида айни араб тилидаги маъноси билан бир хил маъно ташиган эди. Бобур ҳам юқоридаги парчада айнан шу маъносини “масокин” сўзи билан синоним сифатида ишлатади. “Масокин” сўзи ҳам арабча. Аслида у “мискийнун” – “مسكين” сўзининг кўплик шакли саналади. Ҳозирги ўзбек тилида бу сўзнинг кўплик эмас, балки “мискин” тарзидаги бирлик шакли учрайди. Кўплиги эса ўзбек тилидаги “-лар” қўшимчаси орқали ҳосил қилинади.

Ҳар икки сўзнинг матн таркибида келиш ҳолатидан шуни айтиш мумкинки, “Бобурнома” лексикасида арабий сўзларнинг ўзлашган шакллари аслиятдаги маъноси билан баъзида уйғун ҳолда келади.

Муаллиф ёзган асарида ўз фикрини ифода этиш, ўқувчига бу орқали таъсир қилиш мақсадида тасвирий воситалардан фойдаланади. Адабий матн таркибидаги ҳар бир луғавий бирлик муайян бир воқелик учун тасвирий восита саналади. Булар шу тилга хос бўлган ёки четдан ўзлашган сўзлар бўлиши ҳам мумкин.

Бадиий матнни ҳосил қилувчи воситалар икки хил бўлади:

Лексик воситалар;

Экспрессив-стилистик воситалар. (Lapasov, 1995, p.14)

Ўзбек тили луғат бойлигида ўзлашма сўзларнинг йирик қисми араб тилига тўғри келади. Тилшуносликда ҳам ўзлашма сўзларга алоҳида урғу берилади. Контакт лингвистика айнан сўз ва грамматик шаклларнинг бир тилдан бошқа тилга ўтишини тадқиқ этади. Араб тили ўлкамиз ҳудудига кириб келганига кўп бўлмасидан, илм тилига айлангани маълум. Бунда албатта араб бўлмаган халқ сифатида Қуръони Каримни ўрганишга бўлган саъй-ҳаракатлар катта таъсир кўрсатган эди. Халқнинг зиёли қисми араб тилидан бохабар бўлгани учун ҳам бадиий асарларда арабий сўзларни қўллашга ҳеч қандай тўсиқ бўлмади. Натижада туркий ва арабий тилдаги сўз бирликларининг аралашуви, уларнинг ўзаро таъсиридан фонетик, лексик ва грамматик ўзгаришлар юзага келди.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўз асарида Фарғона водийсини таърифлар экан:

“Шарқи Кошғар, ғарби Самарқанд, жануби Бадахшоннинг сарҳади тоғлар, шимолида агарчи бурун шаҳрлар бор экандур, мисли: Олмолиқ ва Олмоту ва Янги ким, кутубларда Тарозкент битирлар…”(Bobur, 2015, p.7).

Бобур бу парчада араб тилидаги “кутуб” сғзини ишлатади. Бу сўз “китабун” – “كتاب” сўзининг жамъ ҳолатидир. Бироқ бу сўз “Бобурнома” ёзилган даврда бирлик маъносида ишлатилган бўлиш эҳтимоли мавжуд. Сабаби, муаллиф арабча жамъга яна ўзбек тилида кўпликни ифода этувчи “-лар” қўшимчасини қўшади. Ваҳоланки, араб тилидан яхши хабардор бўлган муаллиф кўпликдаги сўзга яна кўплик қўшимчасини қўшишга эҳтиёж йўқлигини жуда яхши билар эди.

Лингвопоэтика аслида тилшунослик ва адабиётшунослик кесишувидаги янги соҳа саналади. Фаннинг бу соҳаси XX асрда юзага келган бўлиб, бирор бир жанрнинг тил хусусиятлари билан боғлиқ муаммоларни ўрганади. Замонавий рус тилшунослигида лингвопоэтиканинг назарий масалаларини чуқур ўрганган олимлардан бири А.А. Липгарт лингвопоетикага шундай таъриф беради: “Филологиянинг алоҳида бўлими бўлган лингвопоэтиканинг предмети бу – ёзувчи бадиий асарда фойдаланадиган ва ғоявий-бадиий мақсадини амалга ошириш учун керак бўладиган эстетик таъсирни таъминловчи тил воситаларининг мажмуйи ҳисобланади” (Lipgart, 2007, p.16).

Лингвопоетик нуқтаи назардан матннинг эстетик таъсирини кўрсатишда ўзлашма сўзларнинг ўрни жуда муҳим. Адабий матндаги ҳар бир сўз маълум бир вазифа бажаради. Муаллифнинг ўз қатлам билан барбар айнан ўзлашма сўзларни ишлатишида ҳам бир мақсад мужассамдир. Хусусан, бадиий асар ёзилган тарихий замон ва муайян маконга ишора қилиш ёки матннинг ўқувчига таъсир кучини ошириш эътиборидан ўзлашма сўзлар ишлатилиши мумкин. Бунда ўқувчи онгида пайдо бўлган тасаввур янада тиниқлашиши асосий мақсад саналади.

Бобур отаси Умаршайх мирзони тасвирлар экан:

“Ахлоқ ва атвори: ҳанафий мазҳаблиқ, покиза эътиқодлиқ киши эди, беш вақт намозни тарк қилмас эди, умрий қазоларини тамом қилиб, аксар тиловат қилур эрди”(Bobur, 2015, p.16), деб ёзади.

Инсоннинг табиати, характерига араб тилида “хулқун” – “خلق” дейилади. Бу сўздан кўплик ўзак синиши орқали ясалади ва “ахлақун” – “أخلاق” ҳосил бўлади. Бугунги кунда ҳам бу сўз истеъмолда мавжуд. “Атвор” сўзи ҳам синиқ кўплик шаклида бўлиб, унинг бирлиги “طور”дир. Бу ўринда ижодкор қўллаган ҳар икки “ахлоқ” ва “атвор” сўзлари матнга яхлитлик бераётган асосий лексик унсурлар саналади. Муаллиф ўзининг асосий

фикрини шу икки сўзга жамлаб, ўқувчи диққатини ўзига тортишга муяссар бўлади. Кейин эса, бу икки тушунчага кенгроқ таъриф келтириб ўтади.

Кўплик категорияси араб тилида “жамъун” – “جمع” бўлиб, у “жамаъа” – “جمع” феълининг масдари саналади. Унга шундай таъриф берилади: “Бир нарсани тўламоқ, тарқоқ бўлганларни бир жойга йиғиш, бир нарсани бошқа бир нарсага қўшиш ва инсонлардан иборат гуруҳга берилган ном” (Farohidiy, 2003, p.259). Атама сифатида эса, бирлардан иборат бўлган, иккидан кўп бўлган тушунчаларга ишора қилувчи сўзларга араб тилида “жамъ” номи берилади.

Араб тилида жамълар иккига ажралади:

Солим жамълар (جمع السالم) – тўғри кўплик. Бу ўз ичига:

жамъи музаккари солим (جمع المذكر السالم);

жамъи муаннаси солим (جمع المؤنس) السالم ни қамраб олади.

Мукассар жамълар (جمع المكسر) – синиқ кўплик. Бу тур ҳам ўз ичига икки гуруҳни олади:

Жамъул қилла (جمع القلة) – камчиликни ифода этган кўплик;

Жамъул касра (جمع الكسرة) – кўпликни ифода этган кўплик.

Жамъул қилла ва жамъул касра араб тили грамматикасида алоҳида

аҳамият касб этади. Жамъул қилла сон эътиборидан учдан ўнгача бўлган кўпликлар ораси деб қабул қилинади. Озликни билдирувчи кўпликларнинг тўрт вазни мавжуд. Булар: فِعلَـةٌ, أفعِلَـةٌ,أفعـالٌ ,أفعُلٌ (Sibavayhi, 1989, p. 490). Бу вазнлардаги кўпликлар ва солим кўпликлар биргаликда жамъул қиллани ташкил этади.

Жамъул касра аксарият тилшуносларнинг фикрига кўра, ўн бирдан то чексизликка қадар давом этган миқдорларга нисбатан қўлланилувчи кўпликдир. Бу туркумга юқорида санаб ўтилган тўрт вазндан ташқари ва жамъул қилла таркибида бўлмаганлар киради. Бундай араб тили қоидасига мос бир қатор фазилатларни, табиийки, Заҳириддин Бобур жуда яхши билар эди. Зеро “Бобурнома” ўзининг тушунарли тили, содда тасвирлари ва ифода равонлиги билан бошқа мемуар асарлардан ажралиб туради, Шу билан бирга, асар ўзида муаллиф табиатига хос бўлган шоирона руҳни мужассам этади. Бобур асарига бадиий оҳанг сингдириш мақсадида ҳам арабий сўзлардан ўринли фойдаланади. Адиб инсон портретини сўзлар орқали маҳорат билан чизиб беради. Бунда албатта сззларни танлаб ишлатишга алоҳида диққат қаратади. Масалан:

“Бурунлар кўп ичар эди, сўнгралар ҳафтада бир-икки қатла суҳбат тутар эди, хушсуҳбат киши эди. Тақриб била хўб абёт ўқур эди…”(Bobur, 2015, p.17), дея отаси ҳақида ёзади. Араб тилида “أبيات” - “абёт” сўзи “بيت” сўзининг кўплик шаклидир. Бу сўз араб тилида омоним сўзлар сирасига кириб, асосий маъноси “уй”дир. Бироқ шарқ мумтоз

поэтикасида икки мисрадан иборат бирликка “байт” дейилади. Ҳозирги ўзбек тилида “байт” сўзи ишлатилади, бироқ, “абёт” шакли учрамайди.

Шу билан бирга ўзлашма сўзлар икки халқ ўртасидаги тарихий ва маданий боғлиқлик қадимдан мавжуд бўлганини ҳам англатади. Султон Аҳмад мирзо ҳақида Бобур қуйидаги сатрларни битади:

“Умароси Жонибек Дўлдой эди, Султон Малик Кошғарийнинг иниси эди…”(Bobur, 2015, p.38). Бу ўринда Бобур “умаро” сўзини ишлатади. Бу арабий сўз ишлатилишининг бир қатор сабаблари бор. Аввало, Бобур ўз хотираномасида ўша даврга хос бўлган сиёсий терминларни ишлатади. Давлат арбоблари ва саркардаларни ифода этиш учун шу сўз умумий маънони етказиб бера олади. Асар ёзилган даврда сиёсий терминларнинг деярли барчаси араб ёки форс тилларидан ўзлашган сўзлар бўлганини кузатиш мумкин. “Умаро” сўзининг туркий тилда ҳам қатор муқобил вариантлари бўлишига қарамай, Бобур айнан шу сўзни ишлатганига сабаб матннинг у ёзилган тарихий давр билан узвий алоқасини сақлаб туриш бўлган.

Матн ҳар томонлама мукаммал бир ҳолатга келиши учун муаллиф унга профессионал ёндашиши талаб этилади. Унда синоним сўзлардан ўринли фойдаланиш, мақсадни аниқ ва лўнда ўртага ташлаш, ифода воситаларидан кераклича ишлатиш мақсадга мувофиқдир. Бу нуқтада ўзлашма сўзлар яна бир муҳим вазифа учун хизмат қилади. Туркий тил нақадар бой тил эканини тилшунос олимлар асрлар давомида такрор ва такрор таъкидлаб келишади. Бироқ, шундай вазиятлар ҳам учрайдики, ижод аҳли адабий матнда сўз такроридан қочиш учун айнан бошқа тилдан ўзлашган сўзлардан фойдаланади. “Бобурнома”да ҳам Бобур жуда кўп ўринларда арабий калималардан айнан шу мақсадда истеъфода этади. Бир ўринда: “Ўшал фурсатта Султон Маҳмудхон Султон Жунайд барлоснинг ва Самарқанднинг баъзи акобирининг сўзи била Самарқанд доияси била черик тортиб, Канбой навоҳисиға келди”(Bobur, 2015, p.53), дея “أكبر” сўзининг синиқ кўпликдаги шакли бўлган “اكابر” со`зини улуғ мартабадаги инсонларга нисбатан қўллайди.

Бошқа бир ўринда яна шу сўздан қочиш учун яна бир арабий сўздан фойдаланади:

“Бу фурсатта Дарвеш Гов отлиқ Андижоннинг арбобидин номуносиб сўз айтқон учун ясоққа етти. Бу сиёсаттин тамом эл босилдилар”(Bobur, 2015, p.31).

Юқоридаги ҳолатда Бобур “арбоб” сўзи орқали айнан Андижондаги олий даражадаги инсонларга ишора этади.

Ҳар икки мисолда ишлатилган арабий сўзлар аслида матн таркибида туркий тилга ўзлашгани учун қўлланганини тахмин қилиш ҳам мумкин. Бироқ, муаллиф айнан ўз

фикрини ранг-баранглаштириш мақсадида араб тилидан ўзлашган сўзлардан фойдаланган бўлиш эҳтимоли ҳам бор.

Араб тилидан ўзлашган сўзларда ҳиссиёт ва таъсирчанлик кучли бўлади. Уларни матн таркибига киритиш орқали эса, матн маъно-мазмунини тераналштириш мумкин.

"Мундин бурунроқ Султон Аҳмад мирзо Андижон навоҳисиға келганда хон ҳам келиб, Ахсини қабаб эди. Нечукким, мазкур бўлди, хотирға еттиким, ора мунча ёвуқ бўлғонда хон чун ота оғадурлар, бориб мулозамат қилсам ўтган кудуратлар рафъ бўлса…"(Bobur, 2015, p.56).

Бобур "хафалик, қайғу-алам, дил ғашлик" маъносидаги жамъ ҳолатидаги "кудурат" – "كـدورة" ўзини танлагани бу сўзнинг оддий муқобилларига қараганда матнга бўйиоқдорлик бераётгани яққол кўринади. Бу кўчирмадаги бошқа арабий сўзлар ҳам "Бобурнома"нинг услубий ўзига хослигини намоён этади.

Хулоса. Умуман олганда, юқоридаги фикр-мулоҳазалар давомидан айрим хулосаларни баён қилиш ўринли бўлади.

Биринчидан, "Бобурнома"дек муҳташам ва бебаҳо асарга орадан асрлар ўтгани сари барча соҳа мутахассислари, жумладан тилшунослар ҳам ўзлари илгари сураётган илмий-назарий тушунчалари исботи учун ҳамиша мурожаат қилишади.

Иккинчидан, асар тилидаги арабий сўзлар ёрдамида ўқувчи тарихий муҳит об-ҳавосини ҳис этади.

Учинчидан, "Бобурнома" матнидаги жамъ сўзлар муаллиф ниятига мос равишда турли ўринларда ўз(арабий) ва ўзлашган(туркона) маъноларда қўлланади.

Тўринчидан, "Бобурнома"нинг лингвопоэтик маҳобати, улуғвор пафоси Бобурдек жаҳонга машҳур подшоҳнинг кўнгил ва сўз одами эканини намоён қилади.

Фойдаланилган адабиёт:

1. Bobur, Z.M. (2015). Baburnama. – Tashkent: Yangi asr avlodi. – 698 p. (in Uzbek)
2. Lapasov, J. (1995). Literary text and linguistic analysis. Badiiy matn va lisoniy tahlil. – Tashkent: O`qituvchi. – 87 p. (in Uzbek)
3. Farohidi, H. (2003). Kitabul-ayn – Beirut: Darul kutubul ilmiyya. – 457 p. (in Arabic)
4. Sibavayhi, Abu Bishr. (1988). Al-Kitab – Cairo: Maktabatul Xonji. – 405 p. (in Arabic).
5. Lipgart, A.A. (2007). Basics of linguopoetics. Osnovi lingvopoetiki. – Moscow: URSS. – p.165, (in Russian).
6. Ishkin, G.S. (2021). Phenomenon of paucity and abundance in broken plurals in arabic language. Arap dilinde mukesser cogullarda azlik ve cokluk olgusu. Social sciences research journal 4(2), (DOI: 10.38120), 103-121.